Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№64 (413)
2020 йил 18 август, сешанба
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

## КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИ ЮМШАТИЛИШИ ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТНИНГ ОШИШИНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 17 август куни хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятга тўхталиб ўтди.

Жумладан, июль ва август ойларида коронавирусга қарши кураш бўйича ишлар кескин кучайтирилгани натижасида унга чалинганларга нисбатан соғайганлар сони анча ортгани қайд этилди. Хусусан, охирги 5 кунда тузалиб чиққанлар улуши 77 фоиздан 87 фоизга ошди. Даволанаётганлар сони 7 минг нафардан 4 мингтага тушди.

Бунинг ортида, албатта, шифокорларимизнинг машаққатли меҳнати ётибди.

– Такрор ва такрор айтаман: ҳар бир фуқаронинг соғлиғи ва ҳаёти биз учун муҳим. Биз халқимизни коронавирус балосидан асраб қолиш учун барча куч-имкониятларни ишга солаяпмиз, жаҳондаги энг илғор даволаш тажрибаларини олиб келаяпмиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Яқин кунларда Россиядан қирққа яқин, Хитойдан ўн нафар юқори малакали мутахассис етиб келгани, уларни ҳудудларга тақсимлаб, жойларда беморларни энг самарали усуллар билан даволаш ва маҳаллий шифокорларни ҳам ўргатиш ишлари ташкил қилиниши таъкидланди.

Халқимиз ортиқча қийналмаслиги учун, фуқароларимизнинг мурожаатларидан келиб чиқиб карантин талаблари юмшатилгани, лекин энди аҳоли жамоат жойларида кўпроқ бўлиши сабабли COVID-19 тарқалиши хавфи сезиларли даражада ошиши ҳам эслатиб ўтилди.

Шу боис, одамларга янада масъулиятли бўлиб, ўзларини ва яқинларини вирусдан ҳимоя қилиш бўйича талабларга қатъий амал қилишлари кераклигини тушунтириш, амалий ёрдам бериш ва назорат қилиш лозимлиги айтилди.

– «Темир интизом» ҳаммамиз учун энг биринчи масала бўлиб қолиши керак. Корхоналар, ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги соҳаси ва қурилиш майдонлари, транспорт ва жамоат жойларида ҳам ушбу талабларга қатъий амал қилиш зарур, – дея таъкидлади Президент.

Барча даражадаги ҳокимлар, секторлар, соғлиқни сақлаш, маҳалла, ички ишлар ва бошқа тизимлар раҳбарлари тегишли ҳудудлар ва соҳаларда коронавирус билан боғлиқ вазиятга шахсан масъул ва жавобгар бўлишлари белгиланди.

**ЎзА.**

## ХОРИЖДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ФУҚАРОЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 17 август куни хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу масала Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба бундай форматда муҳокама қилинмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили 600-700 минг аҳоли меҳнат бозорига кириб келади. Иқтисодиёт тармоқларини ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича кўрилаётган чоралар натижасида йилига 500 минггача иш ўрни яратилмоқда. Шунинг учун, қарийб 200 минг кишининг бандлигини ташқи меҳнат миграцияси орқали таъминлашга тўғри келмоқда. Бу табиий жараён, барча ривожланаётган давлатлар шундай босқичдан ўтган. Қаерда меҳнат миграцияси тўғри ташкил этилган бўлса, бандлик, оилалар даромади, малакали мутахассислар кўпайган.

Кейинги йилларда хориждаги ватандошларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шароитларини яхшилашга эътибор кучайди. Россия, Қозоғистон, Туркия, Япония ва Бирлашган Араб Амирликлари билан меҳнат миграцияси борасида халқаро шартномалар имзоланди. Чет элларда ишлаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун алоҳида жамғарма ташкил этилиб, 100 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Шу билан бирга, ташқи меҳнат миграция масалалари бўйича Бош вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Шунга қарамай, ечимини кутаётган муаммолар ҳали кўп.

Йиғилишда хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимизни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий ва маданий қўллаб-қувватлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда ҳокимликларга чет элдан қайтган фуқароларга касби, малакаси ва режасидан келиб чиқиб, иш топишига кўмаклашиш бўйича топшириқлар берилди.

Хорижда ўзбекистонликлар муносиб шароитларда меҳнат қилиши учун йирик иш берувчи компаниялар билан алоқаларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Бунинг учун, аввало, ўша корхоналар талабига мос малакага эга ва тил биладиган мутахассислар тайёрлаш зарур.

*(Давоми 2-бетда)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Хоразм вилоятининг мавжуд саноат ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилиш, ҳудудга инвестицияларни кенг жалб этиш ва инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда бу орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

«Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖнинг «NBU Invest Group» МЧЖ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг «PSB Capital» МЧЖ ҳамда «Асака» АТБнинг «Asaka Capital Invest» МЧЖ инвестиция компаниялари таъсисчилигида **«Khorezm Invest Project» МЧЖ инвестиция компанияси** (кейинги ўринларда – инвестиция компанияси) ташкил этилганлиги;

Хоразм вилоятидаги инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш, лойиҳаларни амалга оширишга маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш инвестиция компаниясининг асосий вазифаси этиб белгиланганлиги;

**инвестиция компаниясининг устав фонди дастлаб 30 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдорида шакллантирилганлиги**, кейинчалик инвестиция компаниясининг устав фонди инвестиция компанияси таъсисчиларининг қўшимча ҳиссалари ва (ёки) жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоригача кўпайтирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

*(Давоми 2-бетда)*

## Қурувчилар кунига бағишланган онлайн фестиваль бўлиб ўтди




Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги «Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, 2017 йилдан бошлаб август ойининг иккинчи якшанбаси Қурилиш соҳаси ходимлари куни сифатида кенг нишонланиб келинмоқда.

Жорий йилда мамлакатимизда карантин тартиблари боис кўплаб тадбирлар онлайн тарзда ўтказилмоқда. Қурилиш соҳаси ходимларининг касб байрами муносабати билан ҳам ана шундай онлайн дастурлар ташкил этилди. «KNAUF ONLINE FEST 2020» дея ном олган мазкур байрам фестивали 10-16 август кунлари бўлиб ўтди.

Онлайн байрам тадбирлари Ўзбекистоннинг барча вилоятларини қамраб олади. Фестиваль дастуридан фойдали маҳорат дарслари, совғали танловлар, хайрия акцияси ҳамда турли қизиқарли ўйинлар ўрин олгани кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлди.

– Компаниямиз ушбу касб байрамини ҳар йили кенг миқёсда нишонлаб келади, – дейди КНАУФнинг Ўзбекистондаги корхоналари раҳбари Дмитрий Дерипалко. – Биз ушбу яхши анъанани бузмаган ҳолда бу йил ҳам катта фестиваль ҳафталигини ўтказишга қарор қилдик. «KNAUF ONLINE FEST 2020»нинг барча тадбирлари онлайн кўринишда бўлиб ўтди. Яшаш жойлари қаерда бўлишидан қатъий назар барча ўзбекистонликлар байрам тадбирларида иштирок этиш, уйдан чиқмаган ҳолда нишонлаш имконига эга бўлдилар.

**Ўз мухбиримиз.**



## Сўхнинг янги даврини бошлаб бераётган қарор

**Мамлакатимизнинг бир бўлаги ҳисобланган Сўхда рўй бераётган янгиланиш ва ўзгаришларнинг барчаси халқ манфаатига қаратилганки, бунинг қиммати, аҳамияти беқиёс.**

Пурвиқор тоғлар бағридаги бу ҳудудда барча йўналишларда кенг қамровли бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилган. Сўхликлар билан суҳбатлашсангиз, шукроналиклардан бугунги ҳаётидан рози эканлигини илғаб оласиз. Тоғликларга хос бўлган тантилиги, меҳнаткашлиги ва меҳмондўстлигига қойил қолмай иложингиз йўқ.

Президентимизнинг жорий йил 8 августда қабул қилинган «2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эса чегарадош туман аҳолисига бўлган юксак эътиборнинг яна бир ифодаси бўлди. Мазкур қарор сўхликларни чексиз қувонтирмоқда, улкан мақсадлар сари руҳлантираётир.

– Туманимизда барча соҳаларни ривожлантириш учун имкониятлар етарли, – дейди туман ҳокими Сайидбаҳром Сайидмусаев. – Афсуски, кейинги пайтда бу борадаги ишларга етарли даражада эътибор қаратилмади. Хусусан, ижтимоий-иқтисодий йўналишда ечимини кутаётган масалалар талайгина. Ички йўлларнинг 60 фоизи таъмирталаб, аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 76 фоизни ташкил этади. Туманнинг вилоят саноатидаги улуши бир фоизни ташкил қилиб, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми вилоят кўрсаткичига нисбатан 2,2 баробар, хизматлар 2,5 баробар, экспорт эса 6,3 баробарга паст. Шунингдек, туманимизда мактабгача таълим, тиббиёт соҳаларида ҳам малакали кадрларга эҳтиёж катта. Қарор билан тасдиқланган 2020-2021 йилларда Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирларининг манзилли дастури эса бу каби муаммоларни ечишга замин яратади.

*(Давоми 2-бетда)*

# ХОРИЖДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ФУҚАРОЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шу боис бу борада янги тизим жорий этилиши белгиланди. Яъни, ҳудудлардаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги филиалларининг ваколатлари кенгайтирилиб, уларга хорижий иш берувчилар билан бевосита шартнома тузиш, миграция хизматлари билан музокаралар ўтказиш ҳуқуқи берилади. Бу филиаллар раҳбарлари вилоят ҳокимининг ёрдамчиси ҳисобланади.

Мутасаддиларга хорижий давлатлардаги йирик иш берувчилар билан музокара ўтказиб, ишчи ва мутахассислар юборишни кўпайтириш, меҳнат мигрантларига йўл ҳақи, патент ва суғурта харажатлари учун 10 миллион сўмгача паст ставкада кредитлар ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 11 августда қабул қилинган қарорида аҳолини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар, тадбиркорлик асослари ва хорижий тилларга ўқитиш чора-тадбирлари белгиланган эди. Йиғилишда мазкур қарорнинг амалий жиҳатларига тўхталиб ўтилди. Жумладан, чет элда ишлашни истаган фуқароларнинг малакасини ошириш, бунинг учун касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, махсус курслар ва моно-марказлар ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Бу масканлардаги ўқув дастурлари, малака кўникмаларини хорижий иш берувчиларнинг талабига мослаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Меҳнат мигрантлари ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш учун Хориждаги фуқароларни ҳимоя қилиш жамғармасидан маблағ ажратиш бўйича кўрсатма берилди.

Шунингдек, чет эллардаги меҳнат миграциясига оид тартиб-таомилларни фуқароларимиз учун енгиллаштириш, юртдошларимиз кўп ишлайдиган шаҳарларда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхоналарини очиш бўйича топшириқлар берилди. Хориждаги фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, бу бўйича онлайн платформа ва «кол-марказ» ташкил этиб, малакали адвокатларни жалб қилиш вазифалари қўйилди.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз элчихоналари ўзга давлатлардаги ватандошларимиз диаспоралари билан алоқаларни мустаҳкамлаши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Юртпарварлик, меҳр-оқибат ҳисси билан хориждаги фуқароларимизга ёрдам бериб келаётган шахсларни эътироф этиш, давлат мукофотлари билан тақдирлаш бўйича таклифлар билдирилди.

Чет элда меҳнат қилаётганларни ватани билан боғлаб турадиган энг катта восита маданият эканини инобатга олиб, улар учун шундай тадбирларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди. Шунингдек, телевидениеда Ўзбекистон элчихоналари ва консулликларининг халқ хизматидаги фаолиятини кенг ёритиб бориш тавсия этилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига ҳокимликлар билан бирга хорижга ишлашга кетган юртдошларнинг оиласидан доимий хабар олиб, ота-онасининг соғлиғи, фарзандларининг ўқиши ва бошқа эҳтиёжларига кўмаклашиш вазифаси қўйилди.

Хорижда ишлаб, малака оттириб қайтган фуқароларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда улар билан манзилли ишлайдиган, молиявий қўллаб-қувватлайдиган тизим яратилиши белгиланди.

Бунинг учун сектор раҳбарлари, меҳнат ва маҳалла идоралари вакиллари ўз ҳудудидаги шундай ташаббускорлар рўйхатини шакллантириб, уларнинг бизнес лойиҳаси билан танишади. Рўйхатдан ўтишга кўмаклашиб, 3 ойгача ижара тўловлари бўйича субсидия берилади. Шунингдек, тадбиркорликни бошлаш учун кредит ресурслари ажратилади ҳамда банк кредитлари таъминоти бўйича суғурта полиси харажатларининг бир қисми қоплаб берилади. Бу мақсадларга Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан йил якунига қадар 25 миллиард сўм, кредитлар учун 100 миллиард сўм ажратилади.

Яна бир масала – хорижда ишлаётган фуқароларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш тизимида атиги 4,5 минг нафар киши рўйхатга олинган. Шу боис мутасаддиларга ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш ва меҳнат стажини ҳисоблаш тизимини мигрантлар учун ҳам татбиқ этиш бўйича кўрсатма берилди.

Бош вазир ўринбосарларига ташкиллашган миграция бўйича иқтисодий, молиявий ва ташкилий-ҳуқуқий кўмак тизимини жорий этиш юзасидан алоҳида дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Унда мамлакатимизда касб ва тилга ўргатиш, хорижда ишлаш кўникмаларини шакллантириш, йўлкира, патент, суғурта, пенсия ва кредит масалалари қамраб олинади. Шунингдек, ҳукуматлараро комиссиялар доирасида хориждаги юртдошларимизга муносиб шароит яратиш, чет элдаги банклар орқали уларни кредитлаш механизмлари назарда тутилади.

Йиғилишда белгиланган устувор вазифалар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимлари, элчилар ахборот берди.

**ЎзА.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

2. Қуйидагилар:

Хоразм вилоятида **2020-2022 йилларда амалга ошириладиган умумий қиймати 2,2 триллион сўмлик 84 та инвестиция лойиҳасининг манзилли рўйхати** 1-иловага мувофиқ;

Хоразм вилоятида **амалга ошириладиган умумий қиймати 516,8 миллион долларлик 26 та истиқболли инвестиция лойиҳасининг рўйхати** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш маркази:

**уч ой муддатда** қарорнинг 2-иловасидаги **истиқболли 26 та йирик инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаларини** халқаро стандартлар асосида **ишлаб чиқсин**;

Хоразм вилоятининг туман ва шаҳарларига белгиланган тартибда бириктирилган Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда истиқболли инвестиция лойиҳаларига хорижий инвестициялар жалб қилинишини таъминласин;

Хоразм вилояти ҳокимлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, тегишли тармоқ корхоналари билан биргаликда 2021 йил 1 апрелга қадар истиқболли 26 та йирик инвестиция лойиҳаси билан бир вақтда Хоразм вилоятининг ҳар бир туманида қўшимча янги саноат ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилишини таъминласин.

4. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва Хоразм вилояти ҳокимлигининг:

**«Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонасининг қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган бўш турган ер участкалари ҳисобидан кенгайтирилаётган ҳудудларини** 3-иловага мувофиқ тасдиқлаш;

«Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонасининг кенгайтирилган ҳудудлари бош режасини ишлаб чиқиш, шунингдек, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» ИК» давлат унитар корхонасини буюртмачи этиб белгилаш;

«Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонасининг **бош режасини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳа ташкилотини танлов асосида танлаш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

5. **«Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонасига Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари** 4-иловага мувофиқ бириктирилсин.

Мазкур қарорнинг 4-иловасига мувофиқ «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонасининг бўш ер майдонларига бириктирилган **Ўзбекистон Республикасининг Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Франция, Испания, Италия, Латвия, Польша ва Туркия давлатларидаги элчихоналари** Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **икки ой муддатда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонасида янги инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш чораларини кўрсин**.

6. Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмасдан **Инфратузилма жамғармаси ташкил этилсин** ва қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

давлат, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари томонидан ажратиладиган грант ва кредит маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилансинки, **Инфратузилма жамғармаси маблағлари «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонасининг кенгайтирилган ҳудудларида инфратузилма қурилишини молиялаштиришга йўналтирилади**.

7. Савдо-саноат палатаси, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тижорат банклари билан биргаликда икки ҳафта муддатда Хоразм вилоятидаги тадбиркорлик йўналишлари бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқсин ва ушбу лойиҳаларни амалга оширишни тадбиркорларга таклиф этсин.

8. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари»АЖ **2020 йил 1 сентябрдан бошлаб экспорт қатновларда Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳри ўртасида экспорт қилувчиларга темир йўл юк қатнови тарифларига 50 фоиз чегирма жорий этсин**.

9. Хоразм вилояти ҳокимлиги:

а) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда **«Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонасининг кенгайтирилган ҳудудларида замонавий рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган ишлаб чиқариш қувватларини босқичма-босқич жойлаштириш чораларини кўрсин**;

б) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари билан биргаликда **икки ой муддатда**:

Хоразм вилояти иқтисодиётининг эҳтиёжлари, шунингдек, мавжуд минерал-хомашё, қишлоқ хўжалиги ресурслари ва инфратузилмани инобатга олган ҳолда, **«Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида замонавий рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш бўйича манзилли дастурни ишлаб чиқсин** ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

«Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида ўзлаштириш учун таклиф қилинаётган импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турлари тўғрисидаги маълумотларнинг тадбиркорлик субъектларига мунтазам равишда етказилишини таъминласин;

«Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида лойиҳаларни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектлари жалб этилиши ҳамда инвестиция буюртманомаларининг ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминласин;

«Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларининг бизнес-режаларини ишлаб чиқишда тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш бўйича тегишли чораларни кўрсин;

в) Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши билан келишган ҳолда вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси Дирекцияси» ДУКга келгуси йилларда ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш шарти билан 2020-2021 йиллар даврида сақлаш харажатлари учун асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

10. **Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан** «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонасининг кенгайтирилган ҳудудларида муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектларини қуриш учун инвестиция компаниясига **10 йил муддатга 2,5 фоиз ставкасида 13 миллион АҚШ доллари эквивалентида маблағлар ажратилсин.**

**«Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонасининг кенгайтирилган ҳудудларида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш дастури** 5-иловага мувофиқ ушбу бандга асосан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилсин.

11. Белгилансинки, **Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратиладиган маблағларни сўндиришда** «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектларини қуриш харажатлари **тегишли равишда инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари томонидан мутаносиб равишда ажратилган ер майдони кўламидан келиб чиқиб босқичма-босқич қопланади, сўндириш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда инвестиция компанияси томонидан қайтарилади.**

Инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари Н. Қ. Холмурадов ва Хоразм вилояти ҳокимининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосари Ш. О. Тўлаганов Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланиш ва ўз муддатида қайтарилиши учун масъулдирлар.

12. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ, «Асака» АТБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Марказий банк билан биргаликда инвестиция компаниясининг низоми ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

13. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида:

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари –инвестициялар ва ташқи савдо вазири С. У. Умурзаков** – қарор ижросини тармоқ ва ҳудудларда самарали ташкил этсин ҳамда мувофиқлаштириб борсин;

**ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Н. Арзиев** – Хоразм вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларига чет эл инвесторларининг жалб қилиниши, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналарининг фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминласин;

**транспорт вазири** ва **«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ раиси Х. Н. Хасилов** – Хоразм вилоятидан республиканинг бошқа ҳудудларига темир йўл транспорти орқали юк ташиш хизматлари бўйича муаммоларнинг ўз вақтида бартараф этилишини таъминласин;

**инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А. Б. Воитов** – Хоразм вилоятининг ҳар бир тумани кесимида амалга оширилаётган саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида бажарилиши ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилишини таъминласин;

**Хоразм вилояти ҳокими Ф. У. Эрманов** – ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, саноат корхоналари ва янгидан барпо этилаётган ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ушбу қарор натижадорлиги тўғрисида 2020 йил 1 декабрда ва 2021 йилнинг ҳар чораги якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 17 август

# Сўхнинг янги даврини бошлаб бераётган қарор

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Дастурга 146 та лойиҳа киритилган бўлиб, 639 миллирад сўм маблағ йўналтирилади. Ундан тижорат банклари кредитлари 123,5 миллиард сўмни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 5,2 миллион долларни ташкил қилади.

Туманда замонавий рақобатбардош саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт соҳаси ва педагог ходимларнинг меҳнатини рағбатлантириш, туманда олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш, таълим ва тиббиёт хизматлари сифатини ошириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг бандлигини таъминлаш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўхда ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркорлар кўплаб топилади. Уларнинг сафини янада кенгайтириш, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганларга шароит яратиш туман иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Қарорга кўра, туманда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор имтиёзлар берилмоқда.

Хусусан, 2020 йилда жисмоний шахслар ер солиғи ва мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилди. Шунингдек, жорий йил 1 августдан бошлаб 2021 йил 31 июлга қадар якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи амалдаги қатъий белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгилангани ҳам катта имконият бўлди.

Туманда бугунги кунда 14 мингдан ортиқ мол-мулк ва ер солиғи тўловчилар бор. Солиқ имтиёзининг татбиқ қилиниши натижасида жорий йилда 2 миллиард 300 миллион сўмлик маблағ туман аҳолиси ихтиёрида қолдирилмоқда. Шунингдек, 400 дан ортиқ кичик бизнес субъектлари ҳам ана шундай имкониятлардан фойдаланади.

Саноат, хизматлар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича 95 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 5 мингта янги иш ўрни яратилади. 160 километр шағал қопламали йўлни цементобетон қопламага ўтказиш ва асфальт қоплама ётқизиш, 106 километр тупроқ йўлни шағал қопламага ўтказиш ва 40 километр цементобетон пиёдалар йўлакларини қуриш ишлари амалга оширилади. «Офтобру», «Тул», «Ҳушёр», «Қақир», «Қарир-Себзор», «Сариканда», «Ҳазрат али», «Равон», «Янгиариқ», «Навобод», «Ленбург», «Қалача», «Ғазнов», «Сўх», «Чашма», «Демурсад», «Шарқобод» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида яшовчи 59 минг нафар аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 274 километр ичимлик суви тармоғи тортиш, 30 та ичимлик суви иншооти қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган.

Мактабгача таълим қамровини кенгайтириш, мактаблар ва тиббиёт муссасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ҳам барча чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, туманда мактабгача таълим тизимига жорий йил якунларига кўра болаларни қамраб олиш кўрсаткичини 37,4 фоиздан 53 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Туманда қишлоқ хўжалиги ерлари ва аҳоли томорқалари сув таъминотини яхшилаш, фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштириш борасида ҳам кўплаб ишлар бажарилиши режалаштирилган. Қайроқ массивидаги 1 минг 448 гектар яйлов майдонини ўзлаштириш учун уч кўтармали «Қайроқ» насос станцияси босқичма-босқич қурилади. Бўстон ҳудудидаги 600 гектар экин майдони ва 100 гектар аҳоли томорқасини кафолатли сув билан таъминлаш учун «Ҳушёр-1» ва «Ҳушёр-2» насос станциялари таъмирланади.



– Туманимиз доимо давлатимиз раҳбарининг эътиборида, – дейди меҳнат фахрийси Тожибой Дадабоев. – Сўх учун чиққан қарор эса тарихий воқеа бўлди, десак янглишмаймиз. Унда ҳар бир масалага алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, бизни йўл, қўшни давлат ҳудуди орқали ҳаракатланиш масаласи жуда қийнарди. Фарғона шаҳридан Сўх туманига кичик авиация транспорти орқали аҳолига мақбул нархларда қатновлар йўлга қўйилиши катта ғамхўрликдир. Мазкур қарор ижросини таъминлашда халқимиз елкадош бўлади. Бундай эътибордан жуда миннатдормиз.

Янги Ўзбекистоннинг бағрида бугун Сўх бутунлай қайта янгиланмоқда. Буларнинг барчаси аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ПРИГЛАШЕНИЕ НА УЧАСТИЕ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**по строительству подъездных и внутримассивных дорог в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № ПКМ-428 от 07.07.2020 года «О мерах по обеспечению населения жильем, эффективной организации дополнительного жилищного строительства в городской и сельской местности» за счет средств Кувейтского фонда арабского экономического развития (Фаза-1)**

**Заем № УЗБ-983.**

**№ тендерных торгов КФР-2019-03**

1. Республика Узбекистан подписала Заемное соглашение с Кувейтским фондом арабского экономического развития (далее – КФАЭР) по реализации проекта «Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам» (далее – Проект) и намерена использовать финансовые средства на строительство подъездных и внутримассивных дорог в сельских местностях Республики Узбекистан в рамках Проекта. ИК ООО «Кишлок курилиш инвест» (Заказчик) настоящим приглашает правомочных участников к подаче своих тендерных предложений в запечатанном виде на осуществление строительства подъездных и внутримассивных дорог.

**Срок строительства составляет** – 7 (семь) месяцев.

2. Участники торгов могут подавать свои тендерные предложения по одному или нескольким лотам, как указано в тендерных документациях. Участники могут предоставить скидку в случае присуждения одного или более контракта, при условии, что данная скидка отражена в письме предложении.

3. Национальные тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурой КФАЭР для товаров и работ в рамках финансирования КФАЭР и доступны всем правомочным участникам, как описано в тендерных документациях.

4. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию в Территориальном консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве по адресу ниже в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Кашкадарьинская область |
|---|
| **Адрес:** г. Карши, ул. Узбекистанская, 60 «а». **Телефон:** (75) 223-18-80. **Факс:** (75) 223-19-11. |

5. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка о невозмещаемой оплате в размере 1 БРВ (базовая расчетная величина).

Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующего Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены реквизиты его банковских счетов:**

| Кашкадарьинская область |
|---|
| **Банк:** Каршинский филиал АТБ «Узсаноаткурилишбанк» **Р/с:** 2021 0000 9038 2371 1001 **ИНН:** 202 453 632 |

**6. Тендерные предложения должны быть представлены:**

по вышеуказанному адресу;

**до истечения крайнего срока подачи предложения:** согласно дате, указанной в перечне контрактов;

необходимо представить декларацию для тендерного предложения.

**Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок, в присутствии представителей участников торгов, изъявивших желание присутствовать по нижеуказанному адресу:**

| Хокимият Кашкадарьинской области |
|---|
| **Адрес:** город Карши, площадь Мустакиллик, 1. **Телефон:** (75) 221-02-38. **Факс:** (75) 221-11-10. |

7. Заинтересованные правомочные участники торгов должны отвечать следующим требованиям:

| Протяженность дороги | Требуемый среднегодовой оборот в строительстве (сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (сум) | Контракты аналогичного объема и характера (сум) | Земляные работы, выполненные за последние 3 года (м³) | Бетонные работы, выполненные за последние 3 года (м³) | Работы по асфальтированию дорог, выполненные за последние 3 года (м²) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 км | 800 000 000,0 | 300 000 000,0 | 700 000 000,0 | 900,0 | 200,0 | 2 000,0 |
| 2 км | 1 600 000 000,0 | 600 000 000,0 | 1 400 000 000,0 | 1 800,0 | 400,0 | 4 000,0 |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

**ПРИГЛАШЕНИЕ № КФР-2019-03**
**ДЛЯ УЧАСТИЯ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ**
**«О мерах по обеспечению населения жильем, эффективной организации дополнительного жилищного строительства в городской и сельской местности» за счет средств Кувейтского фонда арабского экономического развития**

ПЕРЕЧЕНЬ КОНТРАКТОВ

| № лота | Район | Массив | Протяжённость подъездных и внутримассивных дорог (км) | Конечный срок подачи предложений |
|---|---|---|---|---|
| **Итого по Кашкадарьинской области** | | | **3,174** | |
| КФР-61 | Китабский, Шахрисабзский | Янгиобод, Шаматон, Духчи | 0,656 | 17 сентября 2020 года, 11.00 |
| КФР-62 | Яккабагский | Айгиркул, Айгиркул-1, Савбулок, Яшнобод | 0,893 | 17 сентября 2020 года, 11.00 |
| КФР-63 | Касанский, Касбинский, Миришкорский | Пахтазор, Хужа-Касби, Жейнов | 0,939 | 17 сентября 2020 года, 11.00 |
| КФР-64 | Миришкорский, Мубарекский, Нишанский, Каршинский | Гулистон, Курувчилар, Талимаржон, Богобод, Батош | 0,686 | 17 сентября 2020 года, 11.00 |

## ПРИГЛАШЕНИЕ НА УЧАСТИЕ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**Республика Узбекистан**

**Проект:** «Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам (Фаза 2)»

**с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития по строительству подъездных и внутримассивных дорог**

**Заем № 1024.**

**№ тендерных торгов КФР-2020-03**

1. Республика Узбекистан подписала Заемное соглашение с Кувейтским фондом арабского экономического развития (далее – КФАЭР) по реализации проекта «Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам (Фаза 2)» (далее – Проект) и намерена использовать финансовые средства на строительство подъездных и внутримассивных дорог в сельских местностях Республики Узбекистана в рамках Проекта. ИК ООО «Кишлок курилиш инвест» (Заказчик) настоящим приглашает правомочных участников к подаче своих тендерных предложений в запечатанном виде на осуществление строительства подъездных и внутримассивных дорог.

**Срок строительства составляет** – 7 (семь) месяцев.

2. Участники торгов могут подавать свои тендерные предложения по одному или нескольким лотам, как указано в тендерных документациях. Участники могут предоставить скидку в случае присуждения одного или более контракта, при условии, что данная скидка отражена в письме предложении.

3. Национальные тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурой КФАЭР для товаров и работ в рамках финансирование КФАЭР и доступны всем правомочным участникам, как описано в тендерных документациях.

4. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию в Территориальном консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве по адресу ниже в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Республика Каракалпакстан |
|---|
| **Адрес:** город Нукус, Гарезсизлик, 59 «а» **Телефон:** (61) 222-74-12. **Факс:** (61) 222-74-12. |

5. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка о невозмещаемой оплате в размере 1 БРВ (базовая расчетная величина).

Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующего Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:**

| Республика Каракалпакстан |
|---|
| **Банк:** Нукусский филиал АКБ «Капиталбанк» **Р/с:** 2021 0000 9039 5251 8001 **ИНН:** 202 610 040 |

**6. Тендерные предложения должны быть представлены:**

по вышеуказанному адресу;

**до истечения крайнего срока подачи предложения:** согласно дате, указанной в перечне контрактов;

необходимо представить декларацию для тендерного предложения.

**Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок, в присутствии представителей участников торгов, изъявивших желание присутствовать по нижеуказанному адресу:**

| Совет Министров Республики Каракалпакстан |
|---|
| **Адрес:** город Нукус, Гарезсизлик, 50. **Телефон:** (61) 222-74-12. **Факс:** (61) 222-74-12. |

7. Заинтересованные правомочные участники торгов должны отвечать следующим требованиям:

| Протяженность дороги | Требуемый среднегодовой оборот в строительстве (сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (сум) | Контракты аналогичного объема и характера (сум) | Земляные работы, выполненные за последние 3 года (м³) | Бетонные работы, выполненные за последние 3 года (м³) | Работы по асфальтированию дорог, выполненные за последние 3 года (м²) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 км | 800 000 000,0 | 300 000 000,0 | 700 000 000,0 | 900,0 | 200,0 | 2 000,0 |
| 2 км | 1 600 000 000,0 | 600 000 000,0 | 1 400 000 000,0 | 1 800,0 | 400,0 | 4 000,0 |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

**ПРИГЛАШЕНИЕ № КФР-2020-03**
**ДЛЯ УЧАСТИЯ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ**
**Проект «Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам (Фаза 2)» с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития**

ПЕРЕЧЕНЬ КОНТРАКТОВ

| № лота | Район | Массив | Протяжённость подъездных и внутримассивных дорог (км) | Конечный срок подачи предложений |
|---|---|---|---|---|
| **Итого по Республики Каракалпакстан** | | | **3,270** | |
| КФР-29 | Амударьинский, Берунийский, Турткульский, Элликкалинский | Гулзар, Шимом, Уллубог, Элликкалъа | 1,510 | 17 сентября 2020 года, 11.00 |
| КФР-30 | Бозатауский, Кегейлийский, Караузякский, Нукусский, Чимбайский | Бозатау, Жузим баг, Есим, Акмангит, Жипек жол | 0,906 | 17 сентября 2020 года, 11.00 |
| КФР-31 | Канликульский, Кунградский, Тахиаташский, Ходжейлийский | Дослык, Канлы, Орайлик, Кун нури | 0,854 | 17 сентября 2020 года, 11.00 |


## «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ

### нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2020 йил 17 сентябрь куни Урганч шаҳар Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига «Урганч ёғ-мой» АЖнинг 2020 йил 16 мартдаги 80-сонли буйруғи, «Урганч истиқбол ёғдуси» МЧЖнинг 2020 йил 25 мартдаги 6-сонли умумий йиғилиш баёни, «Урганч истиқбол ёғдуси» МЧЖнинг 2020 йил 25 мартдаги 5-сонли буйруғи ва «Урганч истиқбол ёғдуси» МЧЖнинг 2020 йил 12 августдаги 9-сонли хатига асосан Урганч тумани, Чоткўпир қишлоғи Дарғалар маҳалласи, 1-уйда сақланаётган қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

1. 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 07-83 НУ бўлган Т-28х4м русумли трактор, **бошланғич баҳоси** – 3 264 000 сўм.

2. 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 09-93 НУ бўлган Т-28х4м русумли трактор, **бошланғич баҳоси** – 3 264 000 сўм.

3. 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 GA 893 бўлган Т-28х4м русумли трактор, **бошланғич баҳоси** – 3 264 000 сўм.

4. 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11-63 ЕП бўлган ТТЗ-80-11 русумли трактор, **бошланғич баҳоси** – 12 000 000 сўм.

5. 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11-62 ЕП бўлган ТТЗ-8-11 русумли трактор, **бошланғич баҳоси** – 12 000 000 сўм.

6. 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 GA 892 бўлган МТЗ-80 русумли трактор, **бошланғич баҳоси** – 26 500 000 сўм.

7. 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90562КАА бўлган ГБАСНГ Тико русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси** – 4 932 813 сўм.

8. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90563КАА бўлган ГБАСНГ ВАЗ-21212620 русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси** – 8 900 000 сўм.

9. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган ер текислаш агрегати, **бошланғич баҳоси** – 2 812 600 сўм.

10. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган корчевател КЧУ-4, **бошланғич баҳоси** – 3 280 495 сўм.

11. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган культиватор, **бошланғич баҳоси** – 3 464 253 сўм.

12. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган культиватор, **бошланғич баҳоси** – 3 464 253 сўм.

13. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган культиватор КХУ-4Б, **бошланғич баҳоси** – 3 464 253 сўм.

14. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган мола, **бошланғич баҳоси** – 598 051 сўм.

15. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган мола 2, **бошланғич баҳоси** – 664 857 сўм.

16. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган мола 3, **бошланғич баҳоси** – 664 857 сўм.

17. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган мола 1, **бошланғич баҳоси** – 664 857 сўм.

18. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган мола Р, **бошланғич баҳоси** – 569 714 сўм.

19. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган ОВХ-600, **бошланғич баҳоси** – 10 183 020 сўм.

20. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган плуг 4х froстный, **бошланғич баҳоси** – 1 816 414 сўм.

21. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган плуг МТЗ, **бошланғич баҳоси** – 1 662 110 сўм.

22. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган плуг МТЗ-80, **бошланғич баҳоси** – 1 662 110 сўм.

23. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган ПЛН 4-35 русумли плуг, **бошланғич баҳоси** – 3 632 828 сўм.

24. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган подборщик хлопка марки ПХ/2,4, **бошланғич баҳоси** – 3 406 258 сўм.

25. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган сельскохозяйственный культиватор, **бошланғич баҳоси** – 3 464 253 сўм.

26. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган сельскохозяйственный культиватор, **бошланғич баҳоси** – 3 464 253 сўм.

27. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган сеялка для хлопковых семян, **бошланғич баҳоси** – 4 707 975 сўм.

28. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган сеялка точного высева СТВ-8, **бошланғич баҳоси** – 6 044 038 сўм.

29. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган домик, **бошланғич баҳоси** – 2 767 500 сўм.

30. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган плуг 8-корпусовой для К-701, **бошланғич баҳоси** – 6 459 565 сўм.

31. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган ер текислаш агрегати, **бошланғич баҳоси** – 2 812 600 сўм.

32. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган углибитель (чуқур юмшатиш) ускунаси, **бошланғич баҳоси** – 2 589 000 сўм.

33. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган углибитель (чуқур юмшатиш) ускунаси, **бошланғич баҳоси** – 2 589 000 сўм.

34. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган углибитель (чуқур юмшатиш) ускунаси, **бошланғич баҳоси** – 2 589 000 сўм.

Ушбу мол-мулклар 2020 йил 17 сентябрдаги очиқ аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 20 октябрь кунигача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**Аукцион савдосида иштирок этишни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ ҳисоб рақамига 10 (ўн) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин, соат 16.00 да тўхтатилади.

**Тўлов учун реквизитлар:** ҳисоб рақами 2020 8000 0049 5964 3001 АТИБ «Ипотека-банк» Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

**Телефон:** 91-421-00-88.
**Веб-сайт:** www.koss.uz

*4621 рақамли гувоҳнома.*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сонли фармони ижроси юзасидан уй-жойлар қуриш мақсадида:**

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИЯТИ

## 2020 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдоларини эълон қилади № 2020-01

**Танлов савдолари эълон қилинган сана:** 2020 йил 18 август.

**Танлов таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат:** эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг.

**Кўп қаватли уй-жойларни қуришни молиялаштириш манбаси:** тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларидан олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

1. Танлов иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир танлов пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишлари мумкин.

2. Тошкент вилояти ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини қуйида келтирилган лотлар бўйича кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишга таклиф қилади.

3. Танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июнда 355-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўтказилади.

**4. Танлов иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва танлов ҳужжатлари билан танишиш учун Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги кўрсатилган манзили бўйича мурожаат қилишлари мумкин:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефон:** 71 241-15-26, **факс:** 71 241-15-37, **эл. почта манзили:** toshkonsaltingtorg@bkl.ru

**5. Танлов ҳужжатларининг нусхасини олиш учун иштирокчилар қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:**

«Тошкент вилояти, ________тумани, ___________массивидаги, ________ лот бўйича ____та кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун танлов ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Танлов ҳужжатларини эълон чоп этилган санадан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови танлов ташкилотчисининг – Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг банк ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган Ўзбекистон Республикасида белгиланган БҲМ бир баробарига тенг.

**Банк ҳисоб рақами реквизитлари қуйида келтирилган:** АТБ «ASIA ALLIANCE BANK» Олмазор филиали **ҳ/р** 2021 0000 5045 4602 7001, **СТИР** 300 017 720, **МФО** 01102 **ОКЭД** 74900.

**6. Танлов таклифлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:**

юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига;

**таклифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача;**

Лотлар рўйхатида кўрсатиб ўтилган сана ва вақтгача;

танлов ҳужжатларида кўрсатилган тартибда таклиф кафолати сифатида декларация тақдим этиш;

**кўп квартирали уй-жойларни жойлаштиришнинг бош режаси, техник тавсифи ва лойиҳа эскизи;**

**квартиранинг бир квадрат метрининг (1 м²) реализация нархи;**

**кўп квартирали уй-жойни ўз маблағлари ҳисобидан қуриш учун етарли маблағни мавжудлиги тўғрисида маълумотнома.**

**7. Танлов таклифларини очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент вилояти ҳокимиятининг кичик мажлислар залида.**

**Телефон:** 71-241-15-26, **факс:** 71-241-15-37, **эл. почта манзили:** toshkonsaltingtorg@bkl.ru

**Қўшимча маълумотлар учун Тошкент вилояти ҳокимлигига мурожаат қилиш мумкин телефон:** (71) 232-80-12.

**Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:**

| Уй типлари | Бир дона уй учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Сўнгги 1 йил ичида бажарилган ўхшаш ҳажм ва характердаги битта шартнома суммаси (сўм) | Сўнгги 1 йилда бажарилган ер ишлари ҳажми м³ | Сўнгги 1 йилда бажарилган бетон ишлари м³ | Сўнгги 1 йилда қуриб битирилган объект майдони м² |
| Беш қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 3 250 000 000 | 2 750 000 000 | 250 | 450 | 800 |
| Ўн икки қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 7 800 000 000 | 6 600 000 000 | 600 | 900 | 2000 |
| Ўн олти қаватли ва ундан юқори кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 10 400 000 000 | 8 800 000 000 | 800 | 1120 | 2500 |

### Лотлар рўйхати

| Лот № | Ҳудуд | Массив номи | Хонадон сони | Беш қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар | | | Ўн икки қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар | | | Ўн олти қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар | | | Таклифларни топширишнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сони | Хона-дон | уй рақами | сони | Хона дон | уй рақами | сони | Хона-дон | уй рақами | |
| | Жами | | 90 | | | | | | | | | | |
| 1-Тош | Янгийўл тумани | Гулбаҳор | 30 | 1 | 30 | 1 | | | | | | | 2020 йил 16 сентябрь, 11.00 |
| 2-Тош | Янгийўл тумани | Гулбаҳор | 30 | 1 | 30 | 2 | | | | | | | 2020 йил 16 сентябрь, 11.00 |
| 3-Тош | Янгийўл тумани | Гулбаҳор | 30 | 1 | 30 | 3 | | | | | | | 2020 йил 16 сентябрь, 11.00 |

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сонли фармони ижроси юзасидан кредит маблағлар ҳисобига қишлоқ жойларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали даромади юқори бўлмаган ҳамда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун уй-жойлар қуриш мақсадида:**

# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИЯТИ

## 2020 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдоларини эълон қилади № 2020/01

**Танлов савдолари эълон қилинган сана:** 2020 йил 18 август

**Танлов таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат:** эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг

**Кўп қаватли уй-жойларни қуришни молиялаштириш манбаси:** тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларидан олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

1. Танлов иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир танлов пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишлари мумкин.

2. Сурхондарё вилояти ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини қуйида келтирилган лотлар бўйича кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишга таклиф қилади.

3. Танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июнда 355-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўтказилади.

**4. Танлов иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва танлов ҳужжатлари билан танишиш учун Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказининг қуйида кўрсатилган манзили бўйича мурожаат қилишлари мумкин:** Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-уй.

**Телефон:** (76) 223-44-57, **факс:** (76) 223-44-78.

**5. Танлов ҳужжатларининг нусхасини олиш учун иштирокчилар қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:**

«_______ вилояти, ________ тумани, ___________ массивидаги, ________ лот ____та кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун танлов ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Танлов ҳужжатларини эълон чоп этилган санадан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови танлов ташкилотчиларининг – Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказининг тегишли банк ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган БҲМга тенг.

**Банк ҳисоб рақами реквизитлари қуйида келтирилган:**

**Банк:** АТБ «Hamkorbank» Термиз филиали **СТИР:** 202 574 427 **ҳ/р:** 2021 0000 5042 7255 2001.

**6. Танлов таклифлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:**

юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказига;

**таклифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача;**

Лотлар рўйхатида кўрсатиб ўтилган сана ва вақтгача;

танлов ҳужжатларида кўрсатилган тартибда таклиф кафолати сифатида декларация тақдим этиш;

**кўп квартирали уй-жойларни жойлаштиришнинг бош режаси, техник тавсифи ва лойиҳа эскизи;**

**квартиранинг бир квадрат метрининг (1 м²) реализация нархи;**

**кўп квартирали уй-жойни ўз маблағлари ҳисобидан қуриш учун етарли маблағни мавжудлиги тўғрисида маълумотнома.**

**7. Танлов таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:** Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-уй.

**Телефон:** (76) 223-44-57,

**Факс:** (76) 223-44-78.

**8. Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:**

| Уй типлари | Бир дона уй учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Сўнгги 1 йил ичида бажарилган ўхшаш ҳажм ва характердаги битта шартнома суммаси (сўм) | Сўнгги 1 йилда бажарилган ер ишлари ҳажми м³ | Сўнгги 1 йилда бажарилган бетон ишлари м³ | Сўнгги 1 йилда қуриб битирилган объект майдони м² |
| Беш қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 3 250 000 000 | 2 750 000 000 | 250 | 450 | 800 |
| Етти қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 4 550 000 000 | 3 300 000 000 | 350 | 600 | 1200 |

### Лотлар рўйхати

| Лот № | Ҳудуд | Массив номи | Хонадон сони | Беш қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар | | Етти қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар | | Таклифларни топширишнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сони | хонадон | сони | хонадон | |
| Жами | | | 102 | 2 | 60 | 1 | 42 | |
| 14 | Денов тумани | Лочин | 42 | | | 1 | 42 | 2020 йил 17 сентябрь, 11.00 |
| 15 | Сариосиё тумани | Маданкон | 30 | 1 | 30 | | | 2020 йил 17 сентябрь, 11.00 |
| 16 | Сариосиё тумани | Маданкон | 30 | 1 | 30 | | | 2020 йил 17 сентябрь, 11.00 |

# СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

## Республика Узбекистан

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

**Строительство подъездных и внутримассивных дорог**

**Форма финансирования:** Истисна'а

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004**

**№ конкурсных торгов 2020-03**

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития (ИБР) с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на строительство подъездных и внутримассивных дорог в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК «Кишлок курилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для строительства 0,971 км подъездных и внутримассивных дорог в сельской местности Сырдарьинской области.

**Срок строительства составляет** – 3 (три) месяца.

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленного Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Сырдарьинская область |
|---|
| **Адрес:** г. Гулистан, ул. Ахтамова, 30.<br>**Телефон:** (67) 227-64-84.<br>**Факс:** (67) 227-64-42. |

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка 1 БРВ (базовая расчетная величина)

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены его реквизиты банковских счетов:**

| Сырдарьинская область |
|---|
| **Банк:** Сырдарьинский филиал НБУ ВЭД<br>**Р/с:** 2021 0000 3038 3676 6001<br>**ИНН:** 202 585 476 |

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов в период с даты объявления конкурсных торгов (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по адресу, указанному в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальном консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Тендерную гарантию требуется приложить к предложениям в размере не менее 2 % от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов. Конкурсные предложения будут вскрываться по указанному адресу в пункте 3.

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

## ПРИГЛАШЕНИЕ № 2020-03 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

| № Лота | Наименование района | Наименование массива | Протяженность дороги (п.м.) | Срок строительства | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|
| по Сырдарьинской области | | | 971 | 3 месяца | 17 сентября 2020 года, 11.00 |
| ИБР-102 | Баяутский | «Янгихаёт» | 523 | | |
| | Гулистанский | «Юлдуз» | 448 | | |

Требования к участникам конкурсных торгов

| Область | № Лота | Требуемый среднегодовой оборот (млн сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (млн сум) | Контракты аналогичного объёма и характера (млн сум) | Общий опыт работы (год) | Выполнение земляных работ в объёмах по крайней мере ____ м³ в течение одного года | Выполнение бетонных работ по строительству искусственных сооружений (*подпорные стенки, бордюры, ж/б лотки, приямки, мосты, ж/б опоры и т.д.*) в объёмах по крайней мере ____ м³ в течение одного года | Завершенное строительство автомобильных и внутримассивных дорог | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | общей площадью не менее ______ м² | общей протяжённостью не менее __ п.м. |
| Сырдарьинская | ИБР-102 | 1 300,00 | 250,00 | 700,00 | 3 | 3 000 | 200 | 6 000 | 1 300 |

# Брифинг бўлиб ўтди

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси томонидан брифинг ўтказилди. Унда пандемия даврида аҳоли ва тадбиркорлардан келиб тушган саволларга атрофлича жавоблар қайтарилди.**

Қурилиш материаллари корхонаси ташкил этиш ниятидаман, менга давлат томонидан қандай имтиёзлар берилади мазмунидаги саволга уюшма ахборот хизмати раҳбари Жамшид Шерметов жавоб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 23 майдаги қарори бу борада муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредит суммасидан қатъий назар, қурилиш материаллари саноати соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 2022 йил 1 июлга қадар жалб қилинадиган тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитлари бўйича фоиз харажатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошган миқдорида, бироқ 10 фоизлик пунктдан ошмаган миқдорда, шунингдек, хорижий валютадаги кредитлари бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари томонидан белгиланган ставканинг 40 фоизи миқдорида, бироқ 4 фоизлик пунктдан ошмаган миқдорда қопланади. Шунингдек, қурилиш материаллари саноати соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 2022 йил 1 июлга қадар жалб қилинадиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача, бироқ 8 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафилликлар берилади.

Брифингда, пандемия шароитида қурилиш материаллари саноатида корхоналарнинг фаолияти ва ишчилар хавфсизлигининг таъминланганлик даражасига ҳам эътибор қаратилди. Маълум бўлишича, республикада ҳозирги кунда фаолият юритаётган 79 та йирик қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барчасида ишчи-ходимлар талаб этиладиган карантин қоидаларига амал қилишлари ва уларнинг меҳнатини ташкил этиш учун етарлича маблағлар сафарбар этилган. Уюшмага аъзо 187 та корхоналардан 43 та кичик корхоналар жорий йилнинг март ойида қисқа муддатга тўхтатилиб, 2 000 нафар ишчи-ходимлар муддатидан олдин меҳнат таътилига чиқарилди ва апрель ойида улар карантин қоидаларига амал қилган ҳолда яна меҳнат жараёнига қайтдилар.

Пандемия шароитида соҳада янги иш ўринларини яратишга жиддий эътибор қаратилди.

– Бундай вазиятда энг ривожланган давлатларда ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш катта муаммо бўлиб қолмоқда, – дейди Жамшид Шерметов. – Мамлакатимизда ҳам карантин даврида ишсизлар сони бир мунча ошди. Шу боис аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш давлатимиз сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу борада комлекс ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, вазирлик, ҳокимликлар, идора ва ташкилотлар вазифалари белгилаб берилган.

«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш борасида барча ҳудудларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Нафақат вилоят ва туман марказларида балки энг олис қишлоғу овулларда ҳам қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Жумладан, 2020 йилда 9 трлн 923 млрд сўмлик 989 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, бунинг натижасида 14 минг янги иш ўрни яратилади.

Жорий йилда Навоий, Тошкент, Самарқанд Фарғона, Сурхондарё, Жиззах вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. «Оҳангаронцемент» АЖ, «Евро Глобал Инвест» ШК, «Кварц» АЖ, «Сурхон КСП Гранд» МЧЖ ҚК, «Muynak LDSP» МЧЖ, «Angren Insulation» МЧЖ ҚК, «Мармаробод» МЧЖларда кўплаб иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари сифатининг бугунги ҳолати ва унинг талаб даражаси, маҳаллий қурилиш материалларининг жаҳон бозоридаги ўрни. Мазкур мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалар ҳам брифингда ўртага ташланди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлаётган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар амалдаги давлат стандартлари ҳамда халқаро талабларга мувофиқ келиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги қарорининг 1-иловасига кўра, мажбурий сертификатлаштиришга тушган қурилиш материалларига мувофиқлик сертификатлари берилади ва ундан кейин ички бозорларга ёки экспортга жўнатиш учун эркин савдога чиқарилади. Тегишли қурилиш материаллари эса ихтиёрий равишда сертификатлаштирилади. Шу билан бирга сертификатлаштириш қонун-қоидаларига биноан меъёрий ҳужжат талабларидан келиб чиққан ҳолда, материаллар ишлаб чиқарилиши шарт ҳамда улар белгиланган вақтда синовлардан ўтказиб борилади.

Брифингда, шунингдек, яна бир қатор саволларга атрофлича жавоб берилди.

**Ўз мухбиримиз.**

**Бухоро вилоятида жорий йилда жами 239 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Ушбу объектларнинг 20 таси умумий ўрта таълим мактаблари бўлса, 30 таси мактабгача таълим ташкилотлари, 17 та соғлиқни сақлаш муассалари, 2 та олий таълим даргоҳлари, 3 та спорт ва соғломлаштириш ва 7 та бошқа объектлар, ҳамда 40 та мелиорация-ирригация иншоотларидир.**

# Обод бўлаётган Бухоро

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласига бугунги кунда ҳар қачонгидан-да катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бухоро вилоятида уй-жойга эҳтиёжманд аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, уларга қулай турмуш шароитини яратиш мақсадида ҳозирда 4-5 ва 7 қаватли 22 та уйлар қурилмоқда. Ушбу уйларнинг барпо этилиши натижасида ҳудуддаги 660 нафар фуқаро ўзининг доимий масканига эга бўлади. Мазкур хонадонларнинг 474 таси уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилалар учун, 52 таси меҳнат мигрантлари, 10 таси ёш оилалар, 64 таси оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёллар ва 60 таси Мудофаа вазирлиги ҳамда Ички ишлар органлари хизматчилари учун ажратилади.

Давлатимиз раҳбарининг «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида хусусий тадбиркорлар томонидан 498 та Бухоро ва 42 та Когон шаҳарларида, 510 та қишлоқ жойларида квартирали уй-жойлар қурилиши белгиланган бўлиб, мазкур квартираларнинг 770 таси уй-жойга муҳтож оилаларга давлат томонидан ажратиладиган субсидиялар асосида берилади.

Ҳудудларда ички инфратузилма тизимларини ташкил этиш, уларнинг самарали ишлашини таъминлаш борасида кўпдан бери йиғилиб қолган муаммоларни ижобий ҳал этиш бугунги кунда изчил суръатларда давом эттирилмоқда. Вилоят аҳолисини ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш мақсадида жорий йилда 7,4 километр газ қувурларини реконструкция қилиш, 7 262 дона газ меъёрлаштириш пунктларини техник тафтишдан ўтказиш, шунингдек, 447,0 километр газ қувурларини босим остида синаш ва ҳаво босими ёрдамида тозалаш, 474,2 километр ерости газ қувурлари ҳолатини прибор усули билан текшириш, 10 097 километр ер усти газ қувурларини бўяш, 71 та газ меъёрлаштириш пунктларини капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, аҳоли ва бир қатор ижтимоий соҳа объектларига 25 833,2 тонна суюлтирилган газ етказиб бериш ишлари бажарилмоқда.

Вилоятдаги аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларига узлуксиз электр энергияси етказиб бериш мақсадида жорий йилда 983,5 километр электр узатиш тармоқлари, 495 та трансформатор пунктларида модернизация ва янги қуриш, шунингдек, 2633,8 километр электр узатиш тармоқлари ва 717 дона трансформатор пунктлари ҳамда 5 та нимстанцияларни мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Коммунал хизмат сифатини янада яхшилаш, айниқса, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида жорий йилда Инвестиция дастури ва Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан 335,7 километр ичимлик сув тармоқлари, 6 та сув қудуқлари, 31 дона насос, 6 та трансформатор, булардан ташқари хлорлаш ускуналари ва 13 та сув тўплаш ҳовузини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган.

Умумфойдаланувдаги ички хўжалик автомобиль йўлларини таъмирлаш учун жами 321,2 млрд сўм маблағ ажратилган бўлиб, натижада 645 километр йўллар таъмирланиб, йўлларга 210 минг тонна асфальт қопламаси ётқизилмоқда. Бухоро шаҳар тозалаш иншоотлари ва канализация тизимларини реконструкция қилиш лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳам давом эттирилмоқда. Жумладан, айни пайтда 50,7 километр оқава тармоқлари ва 3 та иншоот реконструкция қилинди, 8,6 километр оқава тармоқлари ҳамда 3 та иншоот янгидан қурилди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини 2020-2021 йиллар кузқиш мавсумига тайёрлаш мақсадида Бухоро вилоятида 1 290 та ижтимоий соҳа объектларида 533 та умумтаълим мактаблари, 408 та мактабгача таълим ташкилотлари, 313 та соғлиқни сақлаш муассасалари, 36 та касб-ҳунар таълим муассасаларида мавсумга тайёргарлик тадбирлари амалга оширилади. Бу жараёнда 220 та умумтаълим мактаблари, 117 та мактабгача таълим ташкилотлари, 55 та соғлиқни сақлаш ва 8 та профессионал таълим муассасаларини жорий ва мукаммал таъмирлаш ишларини бажарилади. Булардан ташқари, 1 743 та кўп қаватли уйларда мавсумга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда, жумладан, 271 та кўп квартирали уйларни таъмирлаш учун 32,2 млрд сўм миқдоридаги маблағлар ҳисобидан кўп қаватли уйларнинг 53,9 минг квадрат метр том қисми, 480 та кириш йўлаклари, 89 та уйларнинг фасад қисмини таъмирлаш, 503 та ички муҳандислик-коммуникация тармоқларини тартибга келтириш, 35,8 минг квадрат метр пиёдалар йўлакларини бетон қоришмаси билан қоплаш ишлари бажарилмоқда.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

«O'ZBEKISTON BUNYODKORI»
газетасига 2020 йил учун обуна давом этмоқда!
Тел.: 71-244-21-71, 71-244-15-13. Факс: 71-244-40-68, 71-244-05-15.
Эл.почта: uzbunyodkori@mail.ru, uzbunyodkor@umail.uz
Обуна индекси 466

## «REZOLYUT TRANS TRADING» МЧЖ

**2020 йил 25 август куни, соат 11.00 дан бошлаб бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Очиқ аукцион савдоларига «Kuchlik neft bazasi» МЧЖ томонидан 2020 йил 13 август куни берилган 07-6/747-сонли буюртманомага асосан Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, «Кучлик» МФЙ, Истеъдод кўчаси, 58-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 355 ОВА, техник соз бўлган ГАЗ-52, **бошланғич баҳоси** – 19 532 993 сўм.
2. 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 346 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-5204 **бошланғич баҳоси** – 20 537 892 сўм.
3. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 347 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-5204 **бошланғич баҳоси** – 20 468 035 сўм.
4. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 348 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-5204 **бошланғич баҳоси** – 20 489 488 сўм.
5. 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 349 ОВА, техник соз бўлган ГАЗ-52 **бошланғич баҳоси** – 20 443 507 сўм.
6. 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 352 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-52 **бошланғич баҳоси** – 18 764 589 сўм.
7. 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 317 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-5212, **бошланғич баҳоси** – 23 225 587 сўм.
8. 1972 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 318 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-53, **бошланғич баҳоси** – 20 639 593 сўм.
9. 1974 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 324 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-53, **бошланғич баҳоси** – 22 407 066 сўм.
10. Ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 335 ОВА, техник соз бўлган ГАЗ-53, **бошланғич баҳоси** – 19 192 276 сўм.
11. 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 345 ОВА, техник носоз бўлган ГАЗ-53, **бошланғич баҳоси** – 23 030 043 сўм.
12. Ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 587 NBA, техник соз бўлган ГАЗ-53, **бошланғич баҳоси** – 19 193 655 сўм.
13. Ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 589 NBA, техник соз бўлган ГАЗ-53, **бошланғич баҳоси** – 19 191 393 сўм.
14. 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 689 FAA, техник носоз бўлган ГАЗ-53, **бошланғич баҳоси** – 22 955 788 сўм.
15. 1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 369 ОВА, техник соз бўлган Зил-130, **бошланғич баҳоси** – 39 429 815 сўм.
16. 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 377 ОВА, техник носоз бўлган Зил-130, **бошланғич баҳоси** – 34 505 163 сўм.
17. 1966 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 380 ОВА, техник соз бўлган Зил-130, **бошланғич баҳоси** – 34 498 665 сўм,.
18. 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 397 ОВА, техник соз бўлган МАЗ-5337, **бошланғич баҳоси** – 72 974 811 сўм.
19. 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 502 ОВА, техник соз бўлган МАЗ-5337, **бошланғич баҳоси** – 72 503 149 сўм.
20. 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 503 ОВА, техник соз бўлган МАЗ-5334, **бошланғич баҳоси** – 69 722 036 сўм.
21. 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 509 ОВА, техник соз бўлган МАЗ-500А, **бошланғич баҳоси** – 70 753 693 сўм.
22. 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/512 ОВА, техник соз бўлган МАЗ-5335, **бошланғич баҳоси** – 70 929 600 сўм.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2020 йил 25 август куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2020 йил 2, 9, 16, 23, 30 сентябрь ва 7, 14, 21, 28 октябрь кунлари, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Автотранспорт воситаларини балансда сақловчининг ишончли вакили иштирокида кўздан кечириш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этувчи талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 15.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш куни олдин, соат 16.00 да тўхтатилади.

**Ушбу аукцион савдоларида иштирок этишни истаган талабгорлар мулк бошланғич нархининг камида 15 фоиз миқдордаги закалат пулини «REZOLYUT TRANS TRADING» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари керак:** 2020 8000 3007 8920 9002 АТБ «Hamkorbank» Яккасарой филиали МФО 01013 СТИР 304 990 340.

**Аризалар қабул қилинадиган ва аукцион савдолари ўтказиладиган манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.

**Тел.:** (71) 236-25-53.

**Веб сайт:** www.rezolyut.uz

531168 рақамли гувоҳнома.

## ТУЗАТИШ

«O'zbekiston bunyodkori» газетасининг 2020 йил 24 июлдаги 57-58 (406-407)-сонидаги ичимлик сув тармоқлари қурилиши бўйича берилган эълондаги Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Акмангит массивидаги ичимлик сув тармоқлари узунлиги 0,173 километрга ўзгаргани сабабли Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ичимлик сув тармоқлари қурилиши 1,538 километр, деб ўқилсин.

## «ZAR AUKSION» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2020 йил 21 сентябрь куни, соат 9.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Қатортол» ҚФЙ, Тошкент Ҳалқа йўлида жойлашган Зангиота тумани 10-сонли нотариал идорасининг 2020 йил 24 мартдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) **«Stolichniy kredit» МЧЖ** томонидан қўйилмоқда:

1. 202000820000560-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 549 708,20 сўм.
2. 202000820000564-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 146 373,90 сўм.
3. 202000820000566-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 217 255,50 сўм.
4. 202000820000568-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 217 255,50 сўм.
5. 202000820000604-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 500 782,80 сўм.
6. 202000820000570-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 351 364,40 сўм.
7. 202000820000571-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 349 262,70 сўм.
8. 202000820000577-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 834 493,78 сўм.
9. 202000820000578-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 217 255,50 сўм.
10. 202000820000579-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 947 904,76 сўм.
11. 202000820000580-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 3 844 770,60 сўм.
12. 202000820000581-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 437 555,80 сўм.
13. 202000820000582-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 288 137,40 сўм.
14. 202000820000583-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 814 463,56 сўм.
15. 202000820000584-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 004 610,10 сўм.
16. 202000820000586-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 721 083,10 сўм.
17. 202000820000588-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 900 096,21 сўм.
18. 202000820000590-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 579 319,30 сўм.
19. 202000820000591-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 855 191,70 сўм.
20. 202000820000592-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 089 668,26 сўм.
21. 202000820000593-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 437 555,80 сўм.
22. 202000820000594-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 6 196 090,90 сўм.
23. 202000820000596-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 713 428,20 сўм.
24. 202000820000597-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 203 079,24 сўм.
25. 202000820000599-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 749 769,00 сўм.
26. 202000820000600-ижро хатига асосан 5 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 7 137 108,10 сўм.
27. 202000820000602-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 571 664,70 сўм.
28. 202000820000603-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 288 137,40 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан «Stolichniy kredit» МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳар Сирғали тумани, Сергели 7-Г64, 3-уй, 20-хонадон.

**Мурожаат учун тел.:** (71) 251-97-97.

Юқоридаги мулклар 2020 йил 21 сентябрь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба кунлари, соат 9.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари, соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 1-уй, 65-хонадон.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш, аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати – савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «ZAR AUKSION» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 9007 9396 0001 АТБ «Турон банк» Юнусобод филиали МФО 01144 СТИР 305 014 967.

**Шунингдек, аукцион савдосида қатнашиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

- **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
- **жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўлангани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш учун манзил:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 1-уй, 65-хонадон.

**Мурожаат учун тел.:** 71-224-86-67.

**Электрон почта:** zarauction@yandex.ru

*536412 рақамли гувоҳнома.*

# «Qarshi City»да 16 қаватли уйлар қуриляпти

**Истиқлол берган имкониятлар самараси бугун ҳаётимизнинг барча жабҳасида ўз аксини топмоқда. Бу эса мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, юртдошларимизнинг турмуш шароитини янада яхшилашдек эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.**



Кейинги йилларда улкан ўзгариш ва янгиланишлар туфайли Қашқадарё вилояти шаҳару қишлоқлари ҳам кўркам, обод ва муаззам қиёфа касб этмоқда. Чунончи, мустақиллигимизнинг 29 йиллик шодиёнаси арафасида вилоят маркази – Қарши шаҳри кўчалари, ички ва умумий фойдаланишдаги ҳамда транзит йўллар ён-атрофлари кўкаламзорлаштирилди. Чўмилиш ҳавзалари, истироҳат боғларида ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, шаҳарнинг қай бир маҳалласига борманг, янги ва замонавий иншоотлар барпо этилаётганига гувоҳ бўласиз.

Элимизнинг бунёдкорлик салоҳиятидан дарак берувчи бу каби эзгу ташаббуслар мамлакатимиз қурувчилари томонидан шиддат билан амалга оширилмоқда. Буни биз осмон билан бўйлашган, ғоятда мукаммал ва сифатли тарзда барпо этилаётган кўркам иншоотлар, ижтимоий соҳа объектлари мисолида гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Қарши шаҳри эндиликда «Шаҳар ичра шаҳар» тамойили асосида янада гўзал қиёфада намоён бўлади. Бунинг учун шаҳарда бўш турган 27,1 гектарлик майдон қурилиш объекти сифатида танлаб олиниб, илк бор 16 қаватли 7 та осмонўпар биноларни барпо этишга киришилди. Бу жойда инновацион шаҳарчанинг барпо этилиши ички инфратузилмани ривожлантиришда ғоятда қулай ҳисобланади. Қурилиш жараёнлари бир зум ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Карантин шароитида ҳам қурувчилар улкан масъулиятни зиммаларига олиб иншоотни ўз вақтида сифатли топширишни мақсад қилганлар.

Қашқадарёлик ва самарқандлик қурувчи-муҳандислар томонидан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига банд бўлмаган маҳаллий аҳоли қатламининг вакиллари ҳам жалб этилган. Бу эса айниқса, пандемия шароитида моддий қийналиб қолган оилаларни қўллаб-қувватлашнинг бир йўриғи бўлиб хизмат қилмоқда. Биноларнинг қурилишида уларнинг сифатли ва мукаммал қад ростлаши, айниқса сейсмик жиҳатларига катта эътибор қаратилган. Бугунги кунда қурилиш жараёнлари энг қизғин паллага кирган. Жумладан, объектларнинг 16-қаватида қурилиш-монтаж жараёнлари якунига етказилаётган бўлиб, майдонда 250 нафар қурувчи-ишчилар карантин қоидаларига амал қилган ҳолда 2 сменада меҳнат қилмоқдалар. Қурилиш объектига жалб этилган улкан техникаларнинг катта қувват билан ишлаши иморатнинг жадаллик билан қад кўтаришига ҳисса қўшмоқда.

Қарши шаҳридаги Наво маҳалласи ҳудудида ипотека кредити асосида барпо этилаётган 320 та хонадонни ўзида бирлаштирган 16 қаватли уй-жойларни «Ўзшаҳар қурилиш инвест» инжиниринг компанияси буюртмаси асосида бош пудратчи «Агромир» МЧЖ қурувчилари амалга оширишмоқда. Маълумотларга кўра, «Qarshi City» ҳудудидаги 7 та 16 қаватли турар жойнинг 3 таси «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК масъулияти чекланган жамияти, қолган 4 таси «Agromir buildings» компанияси буюртмачилигида бунёд этилмоқда.

«Qarshi City» ҳудудида, шунингдек, умумий ўрта мактаб, 2 та мактабгача таълим ташкилоти, театр биноси, савдо мажмуалари ва бошқа ижтимоий соҳа объектлари барпо этилиши режалаштирилган.

– 16 қаватли уйларнинг ҳар бир қаватида майдони 44 квадрат метр бўлган биттадан 2 хонали, ва ҳар бирининг майдони 66 квадрат метрдан иборат тўрттадан 3 хонали квартиралар қурилади, – дейди «Ипотека-банк» вилоят филиали Турар жой бинолари қурилишини молиялаштириш бўлими бошлиғи Зокир Бобоқулов. – Уларни ипотека кредити асосида харид қилмоқчи бўлган шахслар квартира баҳосининг 20 фоизи миқдорида бошланғич бадални тўлайди, қолгани эса 20 йиллик кредитга берилади.

– Қурилиш ишларига 400 дан зиёд қурувчи, 2 та юк кўтариш крани ҳамда юзлаб бошқа махсус техникалар жалб этилган, – дейди уйлар қурилишини амалга ошираётган «Agromir buildings» компанияси масъулияти чекланган жамияти мутахассиси Исроил Исомов. – Яқин кунларда уйлар тўлиқ битказилиб, пардозлаш ҳамда электр, сув, газ, канализация тармоқларини монтаж қилиш ишлари бошланади. «Qarshi City»да қурилаётган уйларнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, бу ерда асосий қурилиш маҳсулоти сифатида пишиқ ғишт ўрнига газоблокдан фойдаланилмоқда.

«Qarshi City»да қурилаётган дастлабки учта уй «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК томонидан буюртма қилинган бўлиб, мазкур турар жойлар ёш оилаларга имтиёзли кредитлар асосида ҳамда эҳтиёжманд оилаларга арзонлаштирилган нархларда берилади. 4 та уйдан эса белгиланган тартибда ипотека кредитлари эвазига квартиралар харид қилиш мумкин бўлади.

– Вилоятда ҳали бундай баланд иморатлар қурилмаган, – дейди «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК Қашқадарё вилояти ҳудудий раҳбари Истам Мейлиев. – Қудратли техникалардан самарали фойдаланилган ҳолда қурилиш материаллари объектнинг ҳар бир қаватига етказиб берилмоқда. Улкан кранлар эса оғир ва катта ҳамжмдаги қурилиш ашёларини 56 метр баландликка кўтариб, объектнинг сифатли барпо бўлишига замин яратмоқда. Уйлардаги подъездларнинг ҳар бирига 2 тадан лифт ўрнатилиши режалаштирилган. Уларнинг бири 630 килограммга мўлжалланган аҳоли учун ва яна 1 тонна юкни кўтариш қувватига эга бўлган юк лифтларидир.

Эътиборли жиҳати, объектда энергия тежамкор қурилиш материалларидан кенг фойдалилмоқда. Аҳолини узлуксиз равишда сув билан таъминлаш мақсадида ертўлаларга ақлли насослар ва сув сақлаш захиралари ўрнатилмоқда. Шунингдек, хонадонларда видеокузатув антенна, интернет, домофон каби ускуналарнинг ўрнатилиши аҳолига катта қулайликларни яратиб бериши шубҳасиз.



**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

**Кейинги йилларда давлатимиз томонидан қурилиш саноатини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли мамлакатимиз ҳудудларида соҳага зарур материалларни ишлаб чиқарувчи янги қувватлар салмоғи кенгайиб бормоқда.**

# Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кўлами кенгаймоқда




Юртимизда қурилиш-бунёдкорлик ишлари ҳажмининг кескин ошганлиги, табиий пардозбоп тошларга бўлган талабнинг ҳам кўпайишига олиб келди. Мавжуд талабни қондириш бўйича ҳозирги кунда янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилмоқда. Республикамизнинг қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғи сўнгги икки йилда жадал ривожланиб, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган 120 турдаги маҳсулотлар тури 180 тага етказилди.

Ҳозир мамлакатимиздаги соҳа корхоналари табиий тош қоплама буюмлар, мармар, гранит ва травертин блоклари, шағал, қум, чақиқ тош, ҳарсангтошлар, шиша, сопол, фосфор, чинни буюмлари саноати учун хомашё – дала шпати ва доломит тошлари, пардозбоп майда тошлар ва мармар ҳарсанглари, мозайка, яъни нақшбоп табиий тош, полбоп ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқармоқда.

Ўзбекистонда турли қурилиш материалларига талаб ҳамиша юқори, лекин рақобат ҳам шунга яраша. Эндигина тадбиркорликка қўл ураётган ишлаб чиқарувчиларимизнинг ҳам сони ортиб бормоқда. Эътиборли жиҳати, улар маҳсулотнинг сифати узоқ муддат ўз ҳолатини сақлаб туришини таъминлаш рақобатнинг асоси эканини яхши англаб етганлар. «Asman Silicat» унитар корхонаси ҚЭИЗда ўз фаолиятини 2018 йилнинг 9 мартидан юритиб келади.

Умумий ер майдони 1,0 гектарни ташкил қилувчи корхонада бугунги кунда ташқи безак учун декоратив суюқ травертин ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу маҳсулотдан қурилишнинг барча йўналишларида ва иншоотларнинг ички пардозлаш ишларида самарали фойдаланилади. Умумий қиймати 300 316 АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳа асосида ўз фаолиятини олиб бораётган корхонада ҳозирда 30 нафар ишчиларнинг доимий бандлиги таъминланган. Ўзбекистоннинг барча вилоят ва шаҳарларида иш юритаётган диллерлар корхона харидорлари сафини кенгайтиришга ҳисса қўшмоқда.

– Мазкур лойиҳа уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда 2019 йили 800 млн сўмлик травертин маҳсулотини ишлаб чиқариш режа қилинган эди, – дейди корхона раҳбари Муҳаммадамин Абдуллаев. – Йил якунига қадар 75 минг АҚШ доллари миқдоридаги материаллар экспорт қилинди. Иккинчи босқичда, яъни 2020 йилда 1 млрд 600 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, ўтган 6 ой давомида 752 млн сўм миқдоридаги маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Бунинг натижасида 43 000 АҚШ доллари қийматида қурилиш материали экспорт қилинди. Келажакда режаларимиз улкан, лойиҳанинг 3-босқичи доирасида 2021 йилнинг ўзида 4 млрд 500 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган ҳамда маҳаллийлаштириш дастурини 100 фоизга амалга ошириш кўзда тутилган. Корхонада ўрнатилган асбоб-ускуналар Хитойдан келтирилган бўлиб, уларнинг аксариятига ўзимизнинг техник-механик ходимлар хизмат кўрсатишмоқда. Жорий йилнинг март ойидан бошлаб тўлиқ травертин қумини ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани натижасида яна кўплаб янги иш ўринларини ташкил этишга сабаб бўлди. Бугунги кун келиб бир қатор тоғ-кон корхоналари билан келишувларга эришилди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига янги инновацион технологияларни кенг жалб этиш орқали ички қувватлар салмоғини ошириш, маҳсулот тури ва сифатини юксалтириш натижасида маҳаллий бозорларни ўзимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари билан тўлдиришга катта эътибор қаратиб келинади. Муҳими, бу каби маҳсулотлар нафақат Ўзбекистон, балки хориждаги савдо расталарида ҳам ўз харидорини топиши мақсадида уларнинг рақобатбардошлиги оширилмоқда. Айни шу талаблардан келиб чиққан ҳолда «Asman Silicat» корхонаси маҳсулот сотиш бўйича географиясини кенгайтириб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон билан бир қаторда Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия каби мамлакатларнинг қурилиш бозорида ўзининг юқори нуфузига эга. Шунинг баробарида Туркманистон, Ироқ, Украина, Белорусь Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари билан музокаралар олиб бориш тараддудида.

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# МТТлар сони кўпаймоқда, қамров кенгаймоқда

**Статистик маълумотларга кўра, Самарқанд вилоятида шу кунга қадар 652 та давлат ва 1 317 та хусусий мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатаётган бўлиб, боғча ёшидаги 50,4 фоиз бола уларга қамраб олинган.**

Ҳукуматимиз топшириғига биноан янги тарбия масканлари қуриш, мавжудларини таъмирлаш, кенгайтириш, давлат-шерикчилик асосидаги МТТларни кўпайтириш ҳисобига бу кўрсаткичларни яхшилаш чоралари долзарб вазифа қилиб қўйилди.

Жумладан, республикамиз Президентининг 2020 йил 10 январдаги «2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 4565-қарорига асосан 41 та 5 664 қувватга эга бўлган ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 апрелдаги йиғилиш баёнига асосан 6 та 720 қувватга эга бўлган, жами 47 та умумий қуввати 6 385 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қуриб, фойдаланишга топширилиши белгиланган. Айтиш жоизки, мазкур объектларни бунёд этиш учун 141,0 миллиард сўм капитал маблағ ажратилгани айни муддаодир.

Биноларни қуриш учун тендер савдолари ўтказилиб, етарли тажрибага эга бўлган, малакали усталарни ўзига жалб этган пудрат ташкилотлари ғолиб чиққанини алоҳида таъкидлашни истардик. Айни пайтда барча иншоотларда ўртада тузилган шартномага мувофиқ жадал суръатда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Ходимларимиз, техник назоратчилар бунёдкорлик юмушлари сифати ва бошқа жиҳатлари доимий мониторинг қилиб борилмоқда ва қатъий назорат ўрнатилган.

Тўғри, пандемия шароитида айрим жойларда иш унуми ва суръати анча пасайиб кетди, баъзида тўхтаб қолган вақтлар ҳам бўлди. Аммо вилоят раҳбарлари маслаҳати ва ёрдами билан қурувчиларга зарур шарт-шароит, имкониятлар яратиб берганимиз умумий саъй-ҳаракатларга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Қурилиш материаллари билан боғлиқ муаммолар ҳам баҳамжиҳатликда ҳал этилаётгани яхши натижа бераётир. Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарлари, Самарқанд, Пастдарғом, Иштихон туманларида амалга оширилаётган тадбирлар, айниқса мақтовга сазовордир.

**Азамат БЕКМИРАТОВ,**
**Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги «Инфратузилмани ривожлантириш ИК» ДУК Самарқанд вилояти филиали директори.**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги жамоаси вазирликнинг нусха кўчирувчи оператори

**Батиржон Паттоевич ИСМАИЛОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги жамоаси вазирлик девонхонаси кичик мутахассиси Эльмира Боймуратовага отаси

**Қурбонниёз БАЙМУРАТОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институти жамоаси Бухоро вилояти «Моддий ва маданий мерос объектлари ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш, фойдаланишни ташкил қилиш» маслаҳат Кенгаши раиси, тажрибали архитектор

**Махмуд Косимович АХМЕДОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Райҳон Таниқулова**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** 90-278-95-87.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** 97-459-74-85.
**Самарқанд вилояти бўйича:** 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-853.
2148 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Д. Жалолов.
**Навбатчи** – Б. Гулямов.
ЎзА якуни – 22.30. Топширилди – 00.10.

1 2 3 4 5